

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДАГИ ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Закурлаев Абдумутал Каримович

“Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори ю.ф.д., профессор

Бабабеков Нодир Джурабаевич

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси

Зиддият ва низоли вазиятлар бир қатор ҳолатларда, шунингдек, ҳимоячи-адвокатнинг принципиал, вижданли ва ғайратли иши баъзи терговчилар ва суриштирувчиларнинг салбий муносабатини келтириб чиқарганда пайдо бўлади, чунки айrim (ҳали тажрибасиз) терговчи ёки суриштирувчилар бундай фаолиятни деярли адолатни бузиш деб билишади.

“Бугунги кунда турли идоралар томонидан адвокатларга ҳар хил қўринишда тазиик ўтказиш ҳолатлари учраб турибди. Қолаверса, асосли фактлар ҳам кам эмас. Жумладан, ўтган йили Андижон вилоятида ички ишлар тизимининг мансабдор ходимларидан бири адвокатни олдига чақириб, унинг ордерини ва ишончномасини йиртиб ташлаган. Адвокат ўз ҳуқуқларининг бузилаётгани тўгрисида зудлик билан прокуратурага мурожаат қилиб, Адвокатлар палатасига билдирги берган. Шунга кўра биз энг аввало адвокатни маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун у билан телефонда боғланиб, далда бердик. Худудий бошқармамиз бошлиғи эса ходимлари билан биргаликда у билан юзма-юз учрашиди. Шу тарзда ходимларимиз бир неча кун давомида адвокатнинг ёнида бўлиб, тазиикнинг яна давом этиши эҳтимолларини бартараф этишга харакат қилиб туришди” [2].

Албатта, “ҳимоячига нисбатан бундай муносабат тобора камайиб бормоқда ва тажрибали, малакали терговчилар, аксинча, ўз фаолиятини профессионал ва вижданан амалга оширганда, жиноятларни тергов қилишда ҳимоячининг иштирокини қўллаб-куватлайдилар. Бундай ҳолларда ҳимоячи терговчи ва суриштирувчи учун терговнинг камчиликларига ва холисликнинг намоён бўлишига жавоб берадиган ўзига хос назоратчи хисобланади, буни терговчи билиши эса иш учун фойдалидир” [3, с.27]. Аммо, тергов амалиёти шуни кўрсатадики, ҳимоячи (адвокат) ҳам доим қонунда белгилаб қўйилган доирада адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилмайди. Бунда, баъзи ҳолларда ўзларининг ҳаракатларини асослаш учун ҳимоячилар, бундай ҳаракатларни судгача бўлган жараёндаги тортишув тамойилининг намоён бўлиши деб изоҳлайдилар.

Шу билан бирга, терговчилар ёки прокурор ҳақли равишда ушбу вазиятдаги хатти-ҳаракатларни ноқонуний деб хисоблайдилар. Ҳимоя томонининг фикрига кўра эса, улар (терговчи ёки прокурор) жиноят процессида тортишув принципининг моҳиятини нотўғри тушунадилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳимоя тарафининг судгача бўлган иш юритиш жараёнида судда ишларни юритишида тортишув тамойилининг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни амалга оширишга уринишлари терговчилар ва суриштирувчилар томонидан зиддиятли қарама-қаршилигини кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси жиноят процессида ҳимоячининг ролини сезиларли даражада оширади ва шу билан судгача ва суд босқичларида рақобат тортишувчанлик амалга ошириш учун шароит яратишига ёрдам беради. “Замонавий шароитларда бу қоидага амал қилиш, айлов томонининг манфаатлари ҳимоя манфаатларига мос келмаганда, айлов билан янада кескин зиддиятларга бориш эҳтимоли билан боғлиқ бўлиб қолади [4].

Фикримизча, бундай рақобат зиддият ёки низога айланмаслиги керак ва юзага келадиган ҳар қандай зиддиятлар ахлоқ ва хуқуқ нормалари, биринчи навбатда, жиноий процессуал хукуки нормалари билан белгиланадиган тарзда ҳал қилиниши керак. Бу каби мураккаб зиддиятли вазиятларга тергов ва ҳимоя манфаатларининг қарама-қаршилиги ҳолатлари хос бўлади.

Шу сабабли айрим олимлар айлов ва ҳимоя иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ташқи зиддиятли вазиятларни ажратиб қўрсатадилар. Жумладан, В.Н. Карагодин, судгача бўлган босқичларда адвокатнинг тергов давомида тўпланган маълумотлар (масалан, қўйидаги манбалардан олинган маълумотлар: хибста олиш баённомаси; жиноят ишини қўзғатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, экспертизаларни тайинлаш, айланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар; ҳимоя қилинаётган шахс билан ўтказилган тергов харакатларининг баённомалари ш.к.) билан танишиш хукуки чекланган эканлигига эътибор қаратади. Шунинг учун ҳимоячининг жиноий ишни тергов қилиш жараёни ва босқичлари тўғрисида хабардорлик даражаси пастлигича қолади [5, с.28]. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойда ушланган гумон қилинувчи жиноят содир этмаганлигини, бу ерда бошқа харакатларни амалга оширганлигини ёки бошқа шахслар томонидан қилмишни содир этишда шунчаки ҳодиса жойида бўлганини маълум қиласди.

Бундай вазиятларнинг пайдо бўлиши гувоҳлар бўлмаган жиноятлар деб аталадиган ҳолатларда кузатилади.

Юқорида таъкидлаган вазиятда у ёки бу томоннинг вазияти ва тусмолларининг афзалликлари уларнинг ихтиёридаги маълумотларнинг сифати ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Агар жабрланувчи тирик ва ушланган шахснинг (гумон қилинувчи) қўрсатувларини рад этиши мумкин бўлса, унда ҳимоя тарафининг ҳолати мураккаблашади.

Ҳодисани бошидан бошлиб кузатган ва кўрган гувоҳлар бўлса, шунингдек, гумон қилинувчининг жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи хатти-харакатларнинг амалга оширганлигини қўрсатадиган излар топилса, унинг муаммолари янада кучаяди.

Гувоҳларнинг, гумонланувчини жиноят содир этган шахс сифатида тўғридан-тўғри қўрсатадиган қўрсатмалари – бундай ҳолларда, идрок этишнинг ноқулай шароитлари (масофа, ёруғликнинг пастлиги, кузатувчига халал бериши мумкин бўлган бошқа

холатлар), идрок этувчининг холати (касаллик, мастилик) ёки гувоҳнинг сезги нуқсонлари таъсири остида юзага келган хато ёки тушунмовчилик билан изоҳланади.

Баъзи ҳолларда, ҳимоя томони гумон қилинувчини ҳодиса содир бўлган жойда мавжудлигини - жабрланувчига ёрдам бериш истаги, заарли оқибатларнинг олдини олиш, бошқа шахсларнинг тажовузини тўхтатиш истаги билан изоҳлайди, ва ниҳоят, ҳимоя остидаги шахс ҳодиса жойи атрофдан ўтиб кетаётган ва ўрганилаётган ҳодиса билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда ҳибсга олинган.

Гумон қилинувчининг танасида, кийимида ёки уйида жиноят излари топилганлиги сабабли ҳибсга олинганда жуда мураккаб вазиятлар юзага келади.

Биринчидан, ҳар қандай изларнинг мавжудлиги кўпинча жиноят содир этишнинг белгиси сифатида фақат визуал тарзда баҳоланади;

иккинчидан, ҳатто инструментал усууллардан, тезкор (экспресс) таҳлил воситаларидан фойдаланиш ҳам тўлиқ ишончли хulosалар чиқариш учун асос бермайди. Бундай вазиятларда кўп нарса аниқланган изларнинг шакли, ўлчами, ранги, таркиби ва ҳ.к.нинг ташки белгиларига, шунингдек гумон қилинувчилар томонидан аниқланган изларнинг келиб чиқишини тушунтиришга боғлиқ бўлади.

Агар гумон қилинувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган сукут сақлаш ҳукуқидан фойдаланса, бу ҳолат (изларнинг келиб чиқишини тушунтириш) умуман рўй бермаслиги мумкин. “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳукуқидан фойдаланиши мумкин” [1].

Ушлаб туришнинг қисқа муддатларига нисбатан юқоридаги каби ҳолатлар эса, ушбу шахснинг тергов қилинаётган қилмишга алоқадорлигини аниқлаш ва исбот қилишга нисбатан жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳимоя томони, аниқланган изларнинг келиб чиқиши (ҳосил бўлиши)га оид турли хил тусмолларни илгари суриши, уларнинг тергов қилинаётган ҳодиса билан боғлиқ эмаслигини тахмин қилиши ҳам мумкин.

Агар гумон қилинувчи изларнинг келиб чиқишини ўзига нотаниш шахсларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлгани билан тушунтиrsa, вазият янада мураккаблашади. Масалан, ўғирланган нарсалар билан ушланган шахслар бу нарсаларнинг келиб чиқишини топилма эканлиги (топиб олинганлиги), номаълум шахслардан сотиб олганликлари билан изоҳлашади.

Терговга қадар текширув босқичида маҳсус билимлардан фойдаланиш масалаларига бағишлиланган илмий ва маҳсус адабиётларда, кўп ҳолларда терговчи томонидан маҳсус билимлардан фойдаланиш масалалари акс эттирилган [6, 7, 8, 9]. Ҳимоя томони учун маҳсус билимлардан фойдаланиш масалалари эса ёритилмаган.

Аммо Ўзбекистон Республикасида Жиноят-процессуал қонунчилигига амалга оширилаётган ислоҳотлар муносабати билан криминалистикага оид фанлар олдида бир қатор тубдан янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Масалан, бугунги кунда криминалистик тактиканинг баъзи қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва уларни янги жиноий-процессуал қонунчиликка мослаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Чунки, жиноят процессининг алоҳида мақсадли қоидаларидаги ўзгаришлар, шубҳасиз, жиноий процессуал фаолиятни

амалга ошириш жараёнида техник, стратегик, тактик, услугбий функцияларни таъминлайдиган криминалистикинг услугбий асосларига таъсир қиласди.

Шу сабабли, судда ҳам, дастлабки терговда ҳам далилларни тадқиқ қилиш жараёнида криминалистик билимлардан томонларнинг тортишувчанлик тамойили орқали фойдаланиш муҳим ва истиқболли аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, жадал кечеётган жиноят-процессуал қонунчилигига оид ислоҳотларга мувоғиқ ҳимоячи мақомининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки терговда адвокат фаолиятини тактик қўллаб-қувватлаш масалалари янада фаолроқ ишлаб чиқилиши керак.

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига “Адвокатура” деб номланган боб киритилди ҳамда унда “Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам қўрсатиш учун адвокатура фаолият қўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади (141-модда)” ва “Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашибга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиб, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади (142-модда)” деб белгилаб қўйилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ-76-сон Фармони билан тасдиқланган “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар дастури”да эса юқоридаги моддаларни амалга жорий қилишнинг устувор вазифалари сифатида “Жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш. Жумладан, унга қўйидаги қўшимча ҳуқуқ ва ваколатларни бериш: суриштирув ва дастлабки тергов давомида ҳимоячи томонидан исталган вақтда жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш; қўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш; терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқукини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш; иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштириш; жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказища уларнинг розилиги билан маҳсус техника воситаларидан фойдаланиш” [11].

Замонавий тергов ва экспертлик амалиётини, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигининг қоидаларини таҳлил қилиш шуни қўрсатадики, ҳақиқий тортишувли жиноят жараёни йўлидаги изчил қадамларга қарамай, томонларнинг тўлиқ тенглиги, жиноят ишини тергов қилишда холисликни таъминлашнинг барча оғирлиги ҳимоя томонига, яъни адвокатга тушар экан.

Замонавий, судда ишларни юритища тортишув шароитида юқорида кўрсатилган ҳолатлар, ҳимоячининг маҳсус билимлардан фойдаланган ҳолда далилларни тўплашда ҳимоя иштирок этиш тартибини аниқлаштириш зарурлиги тўғрисида сўз юритишига имкон беради.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар, ҳимоя томонидан махсус билимлардан (биринчи навбатда, криминалистик) фойдаланиш, биринчидан, баъзи ҳолларда, шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини аниқлаш масаласини ҳал қилиш йўлидаги ягона йўл ва имконият бўлса, иккинчидан, замонавий шароитларда нафақат судда ишларни юритишида, балки судгача бўлган жараёнларда ҳам тортишув тамойилларини кучайтиришга хизмат қиласди.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. 2023. / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Адвокатларга тазиқлар давом этмоқда! / Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси А.Эрназаровнинг Адвокатлар Палатаси Бошқарувининг навбатдаги йигилишидаги маърузасидан. // <http://advokatnews.uz/xabar/966.html>.
3. Леви А.А., Игнатьева М.В., Капица Е.И. Особенности предварительного расследования преступлений, осуществляемого с участием защитника. – М.. 2003. – 128 с.
4. Попов А.И. Методология использования специальных знаний в конфликтной следственной ситуации: Автореф диссер. канд. юр. наук. – М., 2017. – С.28.
5. Карагодин В.Н. Криминалистические исследования профессиональной деятельности адвокатов // Профессиональная деятельность адвоката как объект криминалистического исследования. - Екатеринбург. 2002. – 192 с.
6. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жихатлари: / 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирив ҳукуқ ва суд экспертизаси мутахассислиги бўйича юрид. фан. д-ри (DSc) дис. автореф. – Т., 2018. – 75 б.
7. Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматқулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2013. – 218 б.
8. Kriminalistika: Darslik. 1-qism // prof. G‘.A.Abdumajidov tahr.ost. – Т., 2003; – 362 б.
9. Kriminalistika va ekspertiza. Darslik. yu.f.n. prof. v.b. D.Bazarova, yu.f.d. dos. I.R.Astanov. – Т.: TDYuU, 2020. – 618 б.
10. Криминалистика. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 553 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-67-сон Фармони. / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон. // <https://lex.uz/docs/6461609>.